O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

РУСЛАННИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 17 апрель, № 74 (4227) Сешанба

БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВГА

Қадрли Руслан ўғлим!

Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий мубораквод этаман.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни — Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.

Сени яна бир бор қутлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Бугун, ҳаётимдаги энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.

Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.

Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг отаоларча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашиш учун жонажон Андижон сари ошиқаман.

Ҳурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзимнинг тажриба ва маҳоратимни ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Фарзандлик ҳурмат-эҳтироми билан,

Руслан ЧАГАЕВ.
2007 йил 15 апрель.

ЖАҲОН БОКСИ СОЛНОМАСИДА ЗАРҲАЛ САҲИФА

Руслан Чагаев — жаҳон чемпиони

2007 йил 14 апрель — нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон спорти тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Шу куни ўта оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев профессионал бокснинг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг номини дунёга яна бир карра машҳур қилди.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун Русланнинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратини кенг нишонламоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Руслан Чагаевга йўллаган табригида таъкидлаганидек, биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган юртимиз ўғлонининг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

.., 14 апрелдан 15 апрелга ўтар кечаси. Вақт ярим тундан ошган. Миллионлаб ўзбекистонлик спорт муҳлисларининг нигоҳи ойнаи жаҳонда, вужудлар гўёки кўзга айланган. Каттаю кичик юртдошларимиз азбароғи диққат-эътибор билан, айни чоғда, астойдил ихлос, истак ва куюнчаклик билан ўзбек боксчиси Руслан Чагаев ва россиялик чарм қўлқоп устаси Николай Валуев ўртасида Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлаётган муросасиз жангни кузатмоқда. Мана, ниҳоят, ғалаба! Русланнинг — юртимиз ўғлонининг ғалабаси! Хорижий юрт спорт саҳнида Ўзбекистон байроғи мавж уради, Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда кўксимиз тоғдек юксалиб, юракларда чексиз фахр, ифтихор, ғурур жўш уради. Офарин, Руслан! Балли, алп ўғлон!

Русланнинг ғалабаси юртимизда кўплаб соҳалар сингари спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг салмоқли самарасини бераётганига яна бир исботдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси устувор вазифа, деб белгиланган. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина барпо эта олади.

Миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг кашф қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан, эртанги кунимиз эгаларининг илиги тўқ, суяги бақувват бўлишидан далолатдир. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" , "Универсиада" спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчиларидан то олий ўқув юртлари талабаларигача қамраб олган.

Ўзбекистон — кураги ерга тегмаган полвонлар, мард ва баҳодирлар юрти. Истиқлол туфайли спортчи йигит-қизларимизнинг донғи қитъалараро ёйилмоқда. Шаҳарларимиздан тортиб энг чекка қишлоқ жойларида ҳам оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан, диёримизда

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

Руслан ЧАГАЕВГА

Кун кеча Рустамга шеър битган эдим,
Бугун бағишладим Русланга ашъор.
Она Ўзбекистон, о, юртим, қадим,
Яна юрагимга солдинг ифтихор.

Бировга беписанд боқмоқлик нечун,
Ҳар ким содиқ бўлсин лафзи, сўзига.
Кимлардир ер чизиб турибди бу кун,
Руслан зарбасидан келмай ўзига!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.
2007 йил 15 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИСРГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

2007 йил 17-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув чоғида томонлар Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид маҳалалар, ўзаро қизиқиш бўлган халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунлари бўйича турли соҳаларда икки давлат ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига буюражак расмий ташрифига мазкур мамлакат оммавий ахборот воситалари ҳозирданоқ алоҳида эътибор қаратмоқда. Ташриф арафасида Миср матбуотида ушбу муҳим воқеа олдидан Ўзбекистон — Миср муносабатлари истиқболларига бағишланган туркум мақолаларнинг чоп этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Аввало шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ОАВ бозори нуқтаи назаридан Миср араб дунёсида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакатда чоп этиладиган нашрлар жуда нуфузли ва оммабоп бўлгани боис кенг ўқувчилар доирасига эгадир.

«Ал-Масаийя» («Оқшом») кундалик газетаси «Ўзбекистон араб давлатлари, жумладан Миср билан алоқаларни мустаҳкамлашда» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда Ўзбекистон Республикаси араб давлатлари билан алоқаларни фаоллаштириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор қаратаётгани, Президент Ислом Каримовнинг Мисрга буюражак расмий ташрифи бунга ёрқин мисол бўлиши таъкидланади.

Газетада ёзилишича, ислом маданиятида муҳим ўрин эгаллайдиган Ўзбекистон нафақат ўз қўшнилари ёки араб-мусулмон мамлакатлари билан, балки жаҳоннинг барча давлатлари билан муносабатларни тобора ривожлантириб бормоқда. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон ҳамда Миср ўртасида икки давлат манфаатларига тўла жавоб берадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қимматли қоғозлар бозори

унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бугуннинг талабидир

Кеча қўйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамкорлигида "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида қимматли қоғозлар, фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдоларни ташкил қилиш, мазкур бозорда касбий малакага ҳамда тажрибага эга иштирокчилар фаолиятини таъминлаш, мувофиқлаштириш механизмини яратиш, мулкдорлар ҳамда инвесторларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бо-

(Давоми 2-бетда).

Профессионал бокснинг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифадаги баҳсда ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг россиялик Николай Валуев устидан эришган ғалабаси бутун мамлакатимиз халқига чексиз фахру ифтихор, ҳаяжон ва хурсандлик бағишлади.

БАРЧАГА ҚУВОНЧ ВА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН ҒАЛАБА

Р.Чагаев Германиянинг Штутгарт шаҳрида эришган ушбу улкан ғалабага бағишланган тадбирлар – турли учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар 15 апрель куни эрта тонгданоқ бошланди. Уларда иштирок этганларнинг кўзида қувонч, дилида фахр-ифтихор туйғулари, қўлларида давлатимиз байроғи. Бу ҳаяжон ва ғурур шиорларда ҳам ўз аксини топган: "Ўзбекистон фарзанди — жаҳон боксининг қироли!", "Руслан! Сен бизнинг фахримизсан!"

Ўзбек йигити Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зўр боксчи эканини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг довруғи яна етти иқлимга ёйилди.

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи якшанба куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда карнай-сурнай садолари янграб, талаба ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар, спортчилар, спорт ишқибозлари, адиблар, санъаткорлар, яқин-атрофдаги маҳаллалар аҳли йиғилди. Ҳамманинг юзида қувонч, фахр-ифтихор, тилида — «Руслан», «Ғалаба!» Кимдир шеър ўқийди, яна кимдир рақсга тушади. Мушоира дилкаш наволарга, қўшиқлар эса жозибали рақсларга уланиб кетади.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидладилар. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор

(Давоми 2-бетда).

МУТАНОСИБЛИК ВА МУВОЗАНАТ

иқтисодий юксалиш омили

Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир.

Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўзбекистон ўзи танлаган иқтисодий тараққиёт йўлидан изчил бориб, 2006 йилни юксак кўрсаткичлар билан якунлади.

Буни қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди: ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажми 10,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,2, инвестициялар 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг ҳажми 12,8, хизмат кўрсатиш соҳаси эса 19,5 фоиз ўсди. Олиб борилган оқилона пул-кредит сиёсати молиявий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни 6,8 фоизга туширишга имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 22,1, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 39,5 фоизга етди. Товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шуларни инобатга олганда, 2006 йил миллий иқтисодиётимиз учун ғоят самарали ва баракали йил бўлди, дейиш учун барча асослар етарлидир.

Биргина ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини иқтисодий нуқтаи назардан чуқуррроқ таҳлил қилиб кўрайлик. Иқтисодий кўрсаткичлар мезонига асосланса, ЯИМнинг 7,3 фоизга етиши аслида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ошгани, экспорт салоҳиятининг юксалгани, янги бозорларнинг забт этилиши билан бирга, юртимизнинг халқаро бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлагани, инвестицион муҳитнинг янада мўътадиллашганидан далолат беради. Ижтимоий жиҳатдан эса, мазкур ўсиш аҳоли турмуш шароитининг янада яхшиланиб, одамлар учун кўпроқ қулайликлар

(Давоми 2-бетда).

ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ ҚУТЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Масаийя» газетасида чоп этилган «Президент Ислом Каримов ташрифи чоғида қатор битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда» сарлавҳали бошқа мақолада эса олий даражада бўлиб ўтадиган ташриф доирасида турли соҳаларда давлатлараро шерикликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича атрофлича фикр алмашиш, шунингдек, ўзаро манфаатларни ифода этувчи минтақавий ва халқаро муаммоларнинг муҳокама қилиниши қаламга олинган. Газетанинг таъкидлашича, расмий Қоҳира ва Тошкентнинг Яқин Шарқ муаммолари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазият бўйича нуқтаи назарлари бир-бирига жуда яқиндир.

Мақолада таъкидланганидек, ташриф доирасида Ўзбекистон раҳбари ва Миср Президенти Хусний Муборак билан бўладиган музокаралар якунлари бўйича сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор давлатлараро ва идоралараро ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, **«Ал-Ғад» («Эртанги кун») газетаси**да ҳам «Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътибори Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қаратилади. Мақолада юртимиздаги прогрессив фуқаролик жамиятини қуриш борасида эришилаётган салмоқли натижалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани мавзуси атрофлича қаламга олинган.

«Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш масаласига катта аҳамият бераётир. Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш тамойилларига содиқ қолгани ҳолда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси билан чиқди», деб ёзади газета.



Ишбилармон доиралар ўқувчилари учун мўлжалланган, араб тилида нашр этиладиган **«Ал-Алам ал-Яувм» («Бугун жаҳонда») газетаси** ҳам ўз саҳифаларида бўлиб ўтажак олий даражадаги учрашув олдидан мақола босиб чиқарди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари хусусидаги батафсил маълумотлар газетхонлар эътиборига ҳавола этилади.

Мақолада, жумладан, Тошкент ва Қоҳира савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга катта аҳамият бераётгани алоҳида таъкидланган. 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг бешинчи йиғилиши ўтказилгани бу фикрнинг ёрқин исботидир, деб ёзади нашр.

Олий даражадаги ташриф арафасида Миср опера театри биносида «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» номли фотокўргазма ва ўзбек санъаткорларининг маданий дастурлари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилгани ҳам мазкур мақолада қайд этилган. Газета ушбу тадбирларнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганиш мақсадида Мисрга келган Ўзбекистон ишбилармон доиралари делегацияси ташрифига уланиб кетганини таъкидлайди.

«Ал-Алам ал-Яувм»да Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг олиб борилиши мавзусига бағишланган материал ҳам чоп этилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнлари муваффақиятли давом этаётгани, шунингдек, хорижий сармоядорларга қулай шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўз боради. «Ўзбекистонда банк-молия тизими тез суръатлар билан ривожланмоқда», деб алоҳида таъкидлайди газета.

Мисрнинг етакчи газеталаридан яна бири — **«Рўз ал-Юсуф»**да Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсига бағишланган «Тошкент — Ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон раҳбарининг Тошкентга ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвоннинг берилиши ислом цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга ўзбек халқи қўшган улкан ҳиссанинг эътирофи бўлганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига урғу берилган.

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати маънавий-тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва ислом маданияти ёдгорликларини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётгани алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА.

Қимматли қоғозлар бозори

унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бугуннинг талабидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

эорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори фонд бозорини такомиллаштиришга катта имкониятлар яратиб берди. Мазкур Қарорга асосан "2006-2007 йилларда Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури" ишлаб чиқилгани ҳам соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир далилидир.

Албатта, юртимизда бозор муносабатларининг жадал ривожланиб, хусусийлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг кенг қамровда олиб борилаётгани қимматли қоғозлар бозорига оид қонунчиликни ҳам шакллантириш ва янада ривожлантириш заруратини юзага келтирди. Шу муносабат билан амалдаги мавжуд қонунлар негизида ягона "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, уларни муомалада юритиш, сўндириш ва бекор қилиш вақтида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини эркинлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг самарали фаолият кўрсатишини, инвесторлар ва қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминланишини белгилайди.

Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, акциядорлик жамиятлари вакиллари ҳамда олимлар иштирок этган анжуманда қонун лойиҳаси бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

ЖАҲОН БОКСИ СОЛНОМАСИДА ЗАРҲАЛ САҲИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

соғлом авлод вояга етмоқда, иккинчи томондан, ёшларимиз орасидан минг-минглаб моҳир спортчилар етишиб чиқмоқда.

Мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган куч-қудрати, салоҳияти ана шу эпчил ва бақувват спортчиларимиз дунё спорт майдонларида эришаётган ғалабалар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун ўзбекнинг болалари дунё майдонларида юрт байроғини баланд кўтариб, Ватан мадҳиясини баралла янгратмоқда.

Бунга Руслан Чагаевнинг мардонавор ғалабаси яна бир ёрқин мисолдир. Зотан, бугун олтин камарни тақиб, бутун дунёга ўзи туғилиб ўсган юрт довруғини, Ўзбекистон халқининг матонати, шижоати, салоҳиятини кўз-кўз қилиб турган Руслан Чагаев профессионал боксга ўтаётганида, вақти келиб, албатта, жаҳон чемпионлигини қўлга киритишга ва она Ватани — Ўзбекистон номини улуғлашга ваъда берган эди. У ўз лафзида турди.

Руслан 1978 йилнинг 19 октябрида Андижон шаҳрида туғилган. Дунёга машҳур Андижон бокс мактаби тарбияланувчиларидан. У 1991-1997 йилларда Андижондаги олимпия ўринбосарлари билим юртида таҳсил олган.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Андижон заминида шу элнинг муносиб фарзандлари, янги авлод вояга етмоқда. Заҳириддин Бобурнинг киндик қони томган табаррук гўша аҳлининг онгу тафаккурида шу тупроқ, шу муқаддас замин меники, мен учун Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги куни аввало менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

Шундай ажойиб муҳитда камолга етган Руслан 1995 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ўйинларида халқаро спортдаги дастлабки ғалабага эришган эди. Ўшанда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган иқтидорли боксчимиз икки йилдан сўнг Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди.

Русланнинг боксдаги фаолиятида 1997 йил алоҳида ўрин тутади. 19 ёшли боксчимизнинг Будапешт (Венгрия) шаҳридаги жаҳон чемпионати финалида ҳаваскор боксчилар орасида енгилмас ҳисобланган кубалик чарм қўлқоп устаси, икки карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Феликс Савонни йирик ҳисобда енггани бокс оламини лол қолдирган эди.

2001 йилда Руслан ҳаваскор боксчилар ўртасида ўта оғир вазн тоифасида тенгсиз эканини яна бир карра исботлади. У Белфаст (Шимолий Ирландия) шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионати финалида украиналик Алексей Мазикинни муддатидан олдин мағлубиятга учратди.

Ҳаваскорлар боксида 85 жанг ўтказиб, 82 тасида рақиблари устидан зафар қучган Руслан Чагаев профессионал боксдаги расмий дебютини 2001 йил 21 сентябрь куни Тошкентда бошлади. Профессионал боксда олтмишинчи жангини ўтказаётган Эверет Мартинни муддатидан олдин нокаутга учратди.

Ўтган йилнинг 18 ноябрь куни Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтган жангда Жон Руиздан устунлигини исботлаган Руслан Чагаев Жаҳон бокс уюшмасининг — WBA йўналиши бўйича — Николай Валуев эгаллаб турган чемпионлик камарига расмий даъвогарлик мақомига эга бўлди.

Ўшанда Руслан Чагаев журналистларга берган интервьюсида энг эзгу орзуси — жаҳон чемпиони бўлиш орқали ўз Ватани байроғини баланд кўтариш эканини алоҳида таъкидлади. Профессионал рингда мағлубият нималигини билмай келаётган россиялик Николай Валуевга қарши жангга тушиш ўз ҳаётида энг муҳим воқеалардан бири бўлишини яширмади.

Ниҳоят, интиқиб кутилган жанг бошланди. Руслан Чагаев вазни ўзидан 41 килограмм оғир, бўйи 23 сантиметр баланд бўлган Н.Валуевга қарши рингга тушди. У ўша қалтис пайтларда қўллайдиган "сирли" жанг услубини муваффақиятли амалга оширди. Аммо, жанг енгил кечмади. Ғалаба осонликча қўлга киритилмади.

Шундай қилиб, Руслан Чагаевга Жаҳон бокс уюшмасининг чемпионлик камари топширилди. Руслан Чагаев ғалабага эришган илк сурурли онларда: "Ўзбекистонимизни севаман!", деди фахр ва ғурур билан. Аслида ҳам Русланнинг ушбу зафари замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, халқимизга истиқлол берган буюк имкониятлар самаралари мужассам. Жаҳон спорт саҳнида улкан шоншуҳрат қозонган боксчимизнинг қутлуғ қадамлари халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигининг яна бир амалий ифодасидир.

Ғулом МИРЗО,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

МУТАНОСИБЛИК ВА МУВОЗАНАТ

иқтисодий юксалиш омили

(Давоми. Боши 1-бетда).

яратилгани, халқимиз фаровонлигининг ошганини кўрсатади. Қолаверса, бу жамиятда тобора мустаҳкамланиб бораётган тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, юртдошларимизда эса бугунги ҳаётдан шукроналик туйғулари ва эртанги кунга ишончнинг кучайишига хизмат қилади.

Шу ўринда бир таққос. Дунё иқтисодиётидаги глобаллашув, кучли рақобат ва жадал ривожланиш шароитида Америка ва Европа қитъаларидаги ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг 2-4 фоиз оралиғида ўсиши кузатилгудек бўлса, бу натижа ғоят катта кўрсаткичга эришиш, деб баҳоланади. Ҳолбуки, юртимизда бу кўрсаткич деярли икки баробар юқори бўлди. Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ЯИМнинг юксак суръатлар билан ўсиши Президент Ислом Каримов раҳбарлигида изчил олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, оқилона ташқи ва ички сиёсат, бунёдкор халқимиз фидокорона меҳнатининг самарасидир.

Ҳар қандай иқтисодиётнинг мутаносиб ва мувозанатли ривожланиши жўшқинлик билан йўғрилган бўлади. Бу сингари зарур омиллар иқтисодий нисбатлар, воқеа ва ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мақсад йўлида бирбирига мувофиқлаштирилиши ва мослаштирилиши натижасида барча бозорлардаги талаб ва таклифни ўзаро яқинлаштириш, уйғунлаштириш ҳамда тенглаштиришни англатади. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, иқтисодиётдаги юксалиш, ютуқларни янада мустаҳкамлаш зарурати ҳам ўзига хос янгидан-янги масалаларни кун тартибига қўяверади. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ички ва ўртасидаги нисбатлар, мутаносиблик доимий янгиланиш тенденциясига эга. Чунки ишлаб чиқаришнинг ҳар бир цикли, ҳолати иқтисодиёт олдига қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда, янгича нисбатларни, мутаносибликларни ташкил қилишни тақозо этади.

Юртбошимиз шу йил 12 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида **барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини таъминлашни, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашни ҳамда солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлашни** устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Ана шу йўналиш замирида улуғ ва хайрли мақсадлар ўз ифодасини топган. Зеро, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва тактикасида бу масалаларга кенг ўрин берилган эди.

Ўша даврда иқтисодиётдаги **мутаносиблик** ва **мувозанатлилик** масаласини тармоқлар ва соҳалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, вазият қуйидагича эди:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми билан уларнинг қайта ишланган, экспорт қилинган қисми, оборотдаги ер фонди ресурслари билан уларнинг унумдорлик даражаси, сунъий (насос ёрдамида) суғориладиган ер майдонлари билан ишлаб турган сув-насос тизими қуввати, агротехника талабларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги оборотидаги ерларни ўз вақтида шудгорлаш учун зарур трактор-техника миқдори билан мавжуд трактор-техника сони ўртасида жиддий номутаносибликлар бор эди.

Саноатда ишлатиладиган мавжуд табиий хомашё ресурслари билан улардан фойдаланиш даражаси, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда корхоналарнинг лойиҳадаги қуввати билан амалда фойдаланиш даражаси ўртасида жиддий тафовут мавжуд эди. Шунингдек, корхоналардаги асосий фондлар таркибида замонавий техник-технологик тизимга асосланган асосий фондлар билан жисмоний-маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондлар, корхоналардаги асосий фондларнинг умумий янгиланиш суръати билан жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларни янгилаш суръатлари ўртасида ҳам катта фарқ кўзга ташланарди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқнинг лойиҳадаги экспорт салоҳияти билан амалдаги экспорт салмоғи, тармоқнинг замонавий техник-технологик тизимга асосланган корхоналаридаги юқори малакали мутахассис ходимларга бўлган талаб билан мавжуд мутахассис-ходимлар сони, тармоқнинг замонавий, юксак техника ва технология билан қуролланганлик даражаси билан амалдаги мавжуд техник-технологик даражаси ўртасида ҳам чуқур номутаносибликлар сақланиб қолган эди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси чет эл инвестициясининг миллий иқтисодиётга киритилиши билан бозор ва қишлоқ инфратузилмаларининг хизматига, аҳолининг пуллик хизматлар (маиший ва бошқа турдаги хизматлар)га бўлган талаби билан таклифлари ўртасида (айниқса, худудларда) номутаносиблик ғоят юқори эди. Ўша даврда хўжалик юритувчи субъектларнинг юк ташиш транспорти, омборхона хизмати, тара хўжалиги ва экспедицион хизматларга бўлган талаб-таклифи ўртасида ҳам мувозанат йўқлиги яққол намоён бўлганди.

Макроиқтисодиёт даражасида эса қишлоқ хўжалиги билан саноат, яъни қишлоқ хўжалигининг саноат учун хомашё ишлаб чиқариш қисми билан уни саноатда қайта ишлаш ҳамда саноатнинг қишлоқ хўжалиги учун тегишли товарлар ишлаб чиқарадиган қисми ўртасида ҳам фарқ бўлиб, жамғариш ва истеъмол, миллий ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибини миллий ва халқаро истеъмолнинг ҳажми ва таркибига янада яқинлаштириш зарурати ғоят долзарб эди. Бундан ташқари, глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг инвестицияга, шу жумладан, чет эл инвестициясига бўлган талаби билан иқтисодиётга киритилиши таклиф этилаётган инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кескин фарқи кузатиларди. Республикамиз меҳнат ресурслари салоҳияти билан уларнинг бандлиги мувозанатини тиклаш ҳам ўша даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири эди.

2006 йилда ЯИМнинг 7,3 фоиз ўсиши юқорида зикр этилган муаммолар ечимининг самараси сифатида намоён бўлди. Бунинг далили учун барча асослар етарлидир.

Эътироф этиш керакки, бугунги кунда миллий иқтисодиётда умумий ҳолатда мутаносиблик, мувозанатлилик ва барқарорликка эришилди. Лекин иқтисодиётнинг баъзи тармоқ ва соҳалари ичида, уларнинг айрим қисмлари ўртасида мутаносиблик ва мувозанатлиликни янада юқори босқичга кўтариш зарурати кўзга ташланмоқда. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг ўша мажлисида Юртбошимиз томонидан соҳа ва тармоқларнинг баъзи йўналишларида масалага айнан шу нуқтаи назардан ёндашиш лозимлиги, мутаносиблик ва мувозанат масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Чунки бу омилларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши юксак миқдор ва сифат ўзгаришларига олиб келади.

Энди келгусида кутилаётган натижаларга эътибор қаратсак, мамлакатимизда 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини 7,8 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. 2006-2010 йилларда, шунингдек, хизматлар ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 43 фоизгача етказишга, ялпи ички маҳсулот таркибида маҳсулотлар ва хизматлар мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

2007-2011 йилларда эса қишлоқ хўжалигида таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мамлакатдаги барча минтақаларни қамраб оладиган ҳамда қишлоқни ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бошқача айтганда, ҳудудларнинг яқин истиқболда ўзаро мутаносиб равишда ривожланишини таъминлаш асосий устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 52 фоизгача етказиш, яъни иқтисодиётдаги укладларнинг оқилона таркибини шакллантириш орқали турли мулк шаклларининг мутаносиб амал қилишига эришиш ҳам ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида туради. Экспорт ҳажмини кескин кўпайтириш — экспорт ва импортнинг оқилона нисбатига эришиш йўлида барча салоҳият ишга солинади.

Шу билан бирга, 2010 йилга бориб, ўртача иш ҳақини 2,5 баравар ошириш, яъни аҳоли даромади ва харажати ўртасидаги нисбатни янада мақбуллаштиришга эришиш ғоят катта аҳамият касб этади.

Ана шу устувор вазифаларнинг бажарилиши, ўз навбатида, **ишлаб чиқариш қувватлари, меҳнат ресурслари** ва **хомашёлардан юксак** самара билан фойдаланишга, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кескин оширишга, ялпи талаб-таклиф ўртасидаги мувозанатни юқори босқичга олиб чиқишга ижобий таъсир кўрсатади.

Айни чоғда миллий иқтисодиётнинг реал секторидаги тармоқлар ва улар таркибида фаолият юритаётган корхоналарда жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва технологияларнинг мавжудлиги уларда бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Устига устак, халқаро ва миллий бозорда тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити, мунтазам ўзгариб турувчи талаб-таклиф ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни заруратга айлантирмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам равишда модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ана шу муаммоларнинг ечими эса бевосита мутаносиблик ва мувозанат масалаларига бевосита боғлиқдир.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий иқтисодиёт мутаносиблиги ва мувозанатлилигининг оқилона таъминланиши ўсиш суръатларини юксалтириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг моддий асосини яратишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Одил ҲАМРОЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

БАРЧАГА ҚУВОНЧ ВА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН ҒАЛАБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

берилаётир. Шу боис мактабгача таълим муассасалариданоқ болаларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир.

Юртимизда бунёд этилган ва этилаётган спорт мажмуалари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, тўгараклар фарзандларимизни жисмонан ва руҳан комил шахс бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Ҳар бир халқни, миллатни дунёга танитадиган фазилатлари бўлади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Шукурки, халқимизда бундай фазилатлар бисёр. Куни кеча Термиз шаҳрида улуғ бобомиз Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган халқаро кураш турнирида юртдошимиз Абдулла Тангриев ер юзининг энг донгдор полвонларининг курагини ерга теккизиб, мутлақ ғалабага эришди. Бугун эса Руслан Чагаев Германияда дунё бокс ихлосмандларини лолу ҳайрон қолдириб, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлди. Русланнинг ғалабасидан барчамизнинг дилларимиз фахрга тўлди, мен унга бағишлаб шеър битдим. Ўзбекистоннинг жаҳонга танилишида бундай юртсевар спортчиларимизнинг хизмати улкан. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир.

Р.Чагаевнинг ғалабасига бағишланган ушбу кечада мушоира, дилкаш наволару қўшиқлар ва жозибали рақслар кеч оқшомгача давом этди.

— Мен Русланнинг жангини мириқиб томоша қилдим, — дейди Носирхўжа ота Собиров. — Умридан барака топсин, кутганимиздек бўлиб чиқди — Руслан ғалаба қилди. У профессионал боксга ўтиши олдидан Юртбошимиздан, халқимиздан оқ фотиҳа олгани эсимизда. Дуо олган кам бўлмайди. Буни Руслан яна бир бор исботлади. Халқига, юртига бугунгидай фахр, ифтихор, қувончу тантаналар улашган ўғлонимизни доим Яратганнинг ўзи қўлласин, мамлакатимиз тинч, шундай хайрли ишларнинг бошида турган Юртбошимиз омон бўлсинлар.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида эса шанбадан якшанбага ўтар кечаси деярли ҳеч ким ухламади. 15 апрель куни эрта тонгдан эса шаҳарча байрам тусини олди. Ҳамма бир-бирини табриклаган, қутлаган.

Кўпчилик «Спорт шаҳарчаси» ҳам деб атайдиган ушбу гўшада энг замонавий стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари талаба ёшлар ихтиёрида. Буларнинг бари спорт орқали барча эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган соғлом ва комил шахсни тарбиялаш билан бирга Ватанимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлашга ҳам катта замин ҳозирламоқда. Р.Чагаевнинг эришган ғалабаси бунинг яна бир ёрқин намунасидир.

— Руслан Чагаевнинг россиялик машҳур боксчи билан жангини барча талабалар ҳаяжон билан томоша қилди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети магистранти Актам Холов. — Русланнинг ғалабаси ёшларимизда халқимиз, Ўзбекистонимиз ва Президентимиз билан фахрланиш туйғуларини янада жўш урдириб юборди.

— Бугун дунё Ўзбекистон фарзандларининг нималарга қодирлигига яна бир бор гувоҳ бўлди, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Жаҳонгир Муҳаммадиев. — Русланнинг ғалабаси — биз учун энг улуғ ва энг азиз неъмат — Мустақиллик берган имкониятлардан биридир. Бу яқинда талаба ёшларнинг пойтахтимизда ўтажак Универсиада спорт мусобақаси қатнашчиларига янада кўтаринкилик бағишлаб, биз, ёшларни янада фаол ва фидойи бўлишга, эзгу мақсадлар йўлида тинимсиз изланишга ундайди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Р.Чагаевнинг ғалабасига бағишланган тадбирга турли спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар, викториналар, санъат усталари иштирокидаги концерт дастурлари янада файз бағишлади.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида банкларнинг ўз мижозлари билан муносабатига тўхталиб, «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин», деб алоҳида таъкидладилар. Шундан келиб чиқиб, ўз иш фаолиятини «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори билан ташкил этган Халқ банки жорий йилнинг биринчи чораги давомида муайян натижаларга эришди.

КАФОЛАТЛАНГАН ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Хусусан, банк капитали 1,5 млрд. сўмга кўпайиб, 1 апрель ҳолатига кўра, 23 млрд. сўмни ташкил этди. Банк активлари 42 млрд. сўмга ортиб, 202 млрд. сўмга етди. Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар туфайли банк филиаллари кассаларига 240 млрд. сўм нақд пул жалб қилинишига эришилди. Бу, ўз навбатида, банкнинг ўз мижозлари олдидаги нақд пулга бўлган талабини ўз вақтида бажаришига имкон яратмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётир. Жумладан, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони 82000 донага етказилди, эмиссия қилинган пластик карточкаларнинг 40 фоизидан ортиғи иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилди. Мижозларга қулайликлар яратиш ҳамда уларга нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини кенгайтириш мақсадида эса, 1000 дан ортиқ терминаллар аҳоли гавжум жойлардаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ва банк филиалларига ўрнатилди.



ОМОНАТЧИЛАР МАНФААТИ — БОШ МЕЗОН

Аҳоли қўлидаги бўш маблағларни банк депозитларига жалб қилиш бўйича Халқ банки томонидан олиб борилаётган сиёсат омонатчилар манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Омонатчиларга яратилаётган қулайликлар ҳамда омонатларнинг даҳлсизлиги давлат томонидан кафолатланганлиги эса кўп миллионли омонатчиларнинг банкка бўлган ишончини оширмоқда. Натижада фақатгина 2007 йилнинг I чораги давомида аҳоли омонатлари қолдиғи йил бошидагига нисбатан 7,0 млрд. сўм ёки қарийб 111 фоиз ортди. Айниқса, банк томонидан жорий қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватловчи «Матонат», халқимиз ҳақиқий фидойиларининг хайрия тадбирларида фаол иштирок этишига имкон берувчи «Маҳалла фидойилари», Ижтимоий ҳимоя йилида келажагимиз бўлган ёшларни ҳимоялашга қаратилган «Ёш оила», юқори даромад олиш имконини берувчи «Офарин» ва ютуқли «Бинафша» каби янги омонат турлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали омонатчиси Светлана Саидкамолованинг қуйидаги фикри бунинг исботидир.

— Ортиқча маблағимни анчадан бери Халқ банки ютуқли омонат турларига қўйиб келаман. Пулимнинг биринчи талабим бўйича берилиши давлат томонидан кафолатланган. Шу боис яқинда «Фурсат» омонатига қўйган маблағим эвазига фоиз даромадларига қўшимча равишда энг катта пул ютуғи соҳиби бўлдим. «Халқ банки — оила банки» деб бежиз айтишмаган экан. Банк омонатчиси сифатида қўлга киритган ютуғим оиламиз иқтисодиётини яхшилашда жуда катта ёрдам бўлди. Бунинг учун Халқ банкидан миннатдормиз.

ҲАМКОРЛИК ИШОНЧ БИЛАН МУСТАҲКАМ

Банк салоҳияти, маълумки, унинг ресурс базаси, хизмат кўрсатаётган мижозлар сони ҳамда мавжуд ресурслардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги билан баҳоланади. Бу борада Халқ банки жамоаси амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, 2007 йилнинг биринчи чораги давомида банк кредит портфели 26,0 млрд. сўмга ортди. Шу муддат ичида банк филиаллари томонидан 36,0 млрд. сўм маблағ кредит сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, жисмоний шахсларнинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ва ипотека йўналишларига ажратилди. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш учун эса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 5,2 млрд. сўм миқдорида кредит берилди. Унинг 40 фоизидан ортиғи микрокредитлар бўлиб, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва жисмоний шахсларнинг чорва молларига бўлган эҳтиёжини кредитлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликларига 2,1 млрд. сўм, шунингдек, салкам 1400 та оилага 1,1 млрд. сўм чорва моллари харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг исботидир. Шу билан бирга пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланаётган 10000 дан ортиқ фермер хўжаликларига 27,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли, қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиш учун эса 1,5 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди. Ана шу кредитлар бугунги кунда жойларда янги иш ўринларини очиш ва маҳаллий ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга замин яратмоқда.

ЯНГИ СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ

Халқ банки, шунингдек, маҳалла ва коммунал соҳаси бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиб, бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Айнан шундай ҳамкорликда яратилаётган қулайликлар натижасида болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга тайинланган моддий ёрдам пулларининг 70 фоизидан ортиғи олдиндан келишилган жадвал асосида жойларда тарқатилиши ташкил этилди. Нафақа ва ёрдам пулларини олувчи фуқаролар эса, қимматли вақтларини тежаш имконини бермоқда. Масалан, ҳозирда бир ойда банк филиалларида қабул қилинаётган коммунал тўловларининг 40 фоизидан кўпроғи банкнинг сайёр кассалари улушига тўғри келмоқда. Бундан ташқари банк томонидан аҳолига истеъмол товарларини харид қилиш учун «Овердрафт» истеъмол кредити жорий этилган. Доимий мижозлар эса олдиндан ойлик даромадлари ҳисобидан Халқ банки пластик карточкалари орқали узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини харид қилмоқдалар. Аниқроғи, банкнинг 2000 дан ортиқ омонатчилари тежаган ҳолда, ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда ижтимоий тўловларни олиш имкониятларига эга бўлмоқдалар. Бу ҳақда Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Бўстон» қишлоқ фуқаролари йиғини фуқароси Сапура Шерматова шундай дейди: — Маҳалламиздаги болалар нафақаси ва ёрдам пулларини олувчилар ортиқча вақт кетказмасдан, йўл ҳақи ҳаражатларини сарфламасдан, шу ернинг ўзида ижтимоий тўловларни ўз вақтида олмоқдалар. Яратилган бундай қулайликлар учун маҳалламиз аҳолиси номидан Халқ банки жамоасига раҳмат айтаман.

Халқ банкининг ўзи юрар банклари ва сайёр кассалари ишдан кейин ва дам олиш кунлари коммунал тўловларини қабул қилишни йўлга қўйгани ҳам аҳолига анча қулайликлар яратмоқда, уларга қимматли вақтушбу имконият ва қулайликлардан баҳраманд бўлмоқда. Халқ банки тизимида миллий валютадаги пул ўтказмаларини «Тезкор» хизмат турлари орқали амалга оширилаётгани ҳам барчага маълум тушмоқда. Айни кунларда банкнинг минглаб мижозлари ушбу сервиз хизмат туридан фойдаланиб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан банк мижозлари сафининг кенгайишига олиб келмоқда. 2006 йил давомида уларнинг сони 19500 тага, 2007 йил 1-чораги мобайнида эса 4500 тага кўпайгани бунга далил бўла олади.

Мижозлар учун манфаатли хизмат турларини ҳаётга татбиқ этиб келаётган Халқ банки жамоаси бундан буён ҳам мазкур йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириб бораверади.

Халқ банкининг матбуот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Чипталар сотувда

2008 йили Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига чипталар сотиш бошланди.



Олимпиада ташкилий қўмитаси ижрочи директори Ван Вэй матбуот анжуманида жами етти миллиондан ортиқ чипта сотилишини таъкидлади. Олимпиада ўйинларининг очилиш ва ёпилиши маросимларига кириш ҳуқуқини берувчи энг қиммат чипталарнинг баҳоси 390 доллардан 650 долларгача қилиб белгиланган.

Манбада келтирилишича, чипталарнинг тўртдан уч қисми хитойликларга мўлжалланган бўлиб, уларни мамлакат фуқаролари сентябрь ойи охирига қадар Хитой Банкидан олишлари мумкин.

Режада яна 2 та АЭС



Эрон ҳукумати мамлакатда яна иккита атом электр станцияси қуриш режаси борлигини маълум қилди.

Теҳронда бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакат атом энергияси бўйича уюшма раиси ўринбосари Аҳмад Фаязбахш қурилажак икки АЭС 1000 дан 1600 мегаваттгача электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлишини билдирди. Унинг сўзларига кўра, апрель ойи охирига қадар АЭСларни қуриш учун тендер эълон қилинади.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирига 1,7 миллиард долларга яқин маблағ 11 йил давомида сарфланади. Тендер ғолиблари шу йилнинг август ойида аниқланади.

Натижалардан норози

Нигерияда шанба куни маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтганди. Дастлабки сайлов натижаларига кўра, айни пайтда ҳукумат тепасида бўлган Халқ демократик партияси мамлакатнинг барча штатларида ғалабага эришган. Натижалар эълон қилингач Нигериядаги бир неча шаҳарларда мухолифатчилар тарафдорлари сайлов натижаларидан норози бўлиб, намойишга чиқишди. Оммавий норозиликлар тартибсизликларга айланиб кетди. Натижада полиция ходимлари ва намойишчилар ўртасида тўқнашувлар содир бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, тўқнашувлар сабаб 21 киши ҳалок бўлди.

Вертолётлар тўқнашиб кетди

Бағдоднинг шимолий ҳудудида иккита Америка ҳарбий вертолёти ҳалокатга учради. Бу ҳақда «Рейтерс» ахборот агентлиги Ирокдаги Америка қўмондонлиги берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Ҳалокат натижасида икки америкалик ҳарбий ҳалок бўлди, 5 нафари жароҳатланди.

Манбада таъкидланишича, вертолётлар эҳтиётсизлик сабаб бир-бири билан тўқнашиб кетган.

Етакчилар контрабандага қарши

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт ўртасида Қуддус шаҳрида музокаралар бўлиб ўтди. Икки етакчи Ғазо секторида қурол-яроғ контрабандасига қарши ҳамкорлик қилишга келишиб олишди. Учрашувда Маҳмуд Аббос Ғазо секторининг Миср билан чегарадош ҳудудига президент гвардиясининг бир қисмини жойлаштиришга ваъда берди.

Ҳозирда тахмин қилинишича, кейинги Исроил-Фаластин саммити Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида ўтказилиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЛОЯТЛАРИ, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ, ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ, БАНКЛАР, БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ, ҚЎШМА ҲАМДА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ, ВИЛОЯТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ДИРЕКТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2006-2007 ўқув йилида институтни давлат грантлари асосида битирувчи бакалавр ва магистр кадрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда.

Институтни битираётган бакалавр ҳамда магистрлар республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиб келаётган замонавий техника ва технологиялар ҳақидаги билим ҳамда малакаларга эга. Улар ўз иш фаолиятларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилиш имкониятларига эга бўлган кадрлар ҳисобланади.

Қуйидаги кадрларга эҳтиёжи бўлган меҳнат жамоалари талабнома ва сўров хати билан институт ректорига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот, уюшма, хўжаликларни ёш мутахассисларга қандай имтиёзлар (турар жой билан таъминлаш, қўшимча иш ҳақи ва бошқалар) яратиб бера олиш мумкинлиги ҳам баён этилиши керак. Бу маълумотларни 2007 йилнинг 30 апрелига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Қуйидаги жадвалда ёш кадрларни республика вилоятлари ва Жиззах вилояти туманлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилмоқда.

Жиззах политехника институтини 2007 йилда давлат гранти асосида битирувчиларни Жиззах вилояти туманлари ва бошқа вилоятлар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот

БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА

№	Таълим йўналишлари	Жами битирувчилар	Бахмал	Ғаллаорол	Дўстлик	Жиззах т.	Жиззах ш.	Зарбдор	Фориш	Мирзачўл	Зомин	Бошқа вилоятлар: Навоий	Наманган	Фарғона	Сирдарё	Хоразм	Андижон	Қашқадарё	Бухоро	Самарқанд
1.	Касбий педагогик таълим (енгил саноат маҳсулотлари технологияси)	6					5	1												
2.	Касбий педагогик таълим (муҳандислик коммуникациялари қурилиши)	1													1					
3.	Касбий педагогик таълим (бино ва иншоотлар қурилиши)	1					1													
4.	Касбий педагогик таълим (агроинженерия)	2						1												1
5.	Касбий педагогик таълим (ижтимоий-иқтисодий соҳа)	5	1				2	1		1										
6.	Касбий педагогик таълим (транспорт воситаларини ишлатиш)	5		1			2						1			1				
7.	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси (рус)	1				1														
8.	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	4			1		1					1								1
9.	Кимёвий технология	8		3		1	3					1								
10.	Бино ва иншоотлар қурилиши	5				2	2													1
11.	Шаҳар қурилиши ва хўжалиги	4				1	3													
12.	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	5				2	2													1
13.	Экология ва табиатдан фойдаланиш	5				1	2										1			1
14.	Электроэнергетика	9					5					1		1						1
15.	Озиқ-овқат технологияси	1					1											1		
16.	Иқтисод	4		1		1					1								1	
17.	Қурилишда менежмент	11		1			8							1						1
18.	Транспортда менежмент	9				1	4								1		1			2
19.	Транспорт воситаларини ишлатиш	15		1			10													4
20.	Агроинженерия	6					2	2	2											
21.	Фермер хўжалигини бошқариш	3				3														
	Жами	**110**	**1**	**7**	**1**	**13**	**53**	**5**	**2**	**1**	**1**	**3**	**1**	**2**	**2**	**1**	**2**	**1**	**1**	**13**

МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА

№	Таълим йўналишлари	Жами битирувчилар	Арнасой	Бахмал	Ғаллаорол	Дўстлик	Жиззах т.	Жиззах ш.	Зарбдор	Зафаробод	Мирзачўл	Фориш т.	Тошкент ш.
1.	Автомобиль ва автомобиль хўжалиги	1						1					
2.	Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар	2						1					1
3.	Менежмент (тармоқлар бўйича)	1						1					
4.	Деҳқончиликни механизациялаштириш	1										1	
	Жами	**5**						**3**				**1**	**1**

Бизнинг манзил: Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, Жиззах политехника институти. Телефонлар: 8 (372) 226-46-05, 226-43-85. Факс: 8 (372) 226-45-47.

Фирма ўз материалларидан томларни рубероид ва битум билан ёпиб беради. Тўлов шакли — турлича. Телефон: 340-99-37.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов эълон қилади:

1. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Пўлкан номли фермерлар уюшмаси ҳудудида 21-сонли мактабнинг 96 ўқувчи ўринга мўлжалланган ўқув блоки қурилишини тугаллаш.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 4 ой.

Молиялаштириш Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Тошқулоқ қўрғони, А.Абдиев номли фермерлар уюшмаси ҳудудида КВП қурилиши.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 4 ой.

Молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
Тел./факс: 224-08-81.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (436) 225-53-85.**

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 минг сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 12-14 апрель кунлари Термиз шаҳрида буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича анъанавий VIII халқаро турнир ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

АЛПОМИШ АФСОНА ЭМАС



Бу мусобақаларни ўзбек кураши ривожи ҳамда довруғининг навбатдаги нуфузли кўриги бўлди, деб айтиш мумкин. Дунёнинг етти иқлимидан келган полвонлар Термизий ҳазратларининг руҳларини ёд айладилар ва 2500 ёшли мўъжаз ва навқирон шаҳар билан танишдилар.

«Кураш!» — бугун бу сўз жаҳондаги 87 та мамлакат халқлари луғатидан жой олди. Бу жанговар ва жозибали чорлов остида эронлик Ҳасан Али Акбарий, Муҳаммад Никунжот, Жавод Рухоний, исроиллик Питер Бинрозин, россиялик Галина Ковал, Виктория Доброва, турк қизлари Гулшан, Самад Айнур — жами 400 га яқин полвон ғолиблик учун беллашди.

— «Чала», «ёнбош» деганлари ўз йўлига, — дейди П. Бинрозин. — Ўзбек курашининг мен «Ҳалол!» деган ҳайқириғига беш кетаман. Кураш бу тантилик ва ҳалоллик мактаби. Халқингиз ўзининг кураш деб аталган спорти билан жаҳон аҳлига шу муқаддас удумдан сабоқ етказгани, етказаётгани қадрлидир.

— Ҳамюртим Карлос Хонарато бу турнирнинг учта мусобақасида қатнашган, — дейди бразилиялик Уолтер Дос Сантос. — Карлоснинг қўлидаги видеотасмани кўриб бу спортга қизиқишим ортди. Мен ҳам полвон бўламан, дедим. Ва, ниҳоят, мана,

Кураш

Термизга келдим. Кураш жаҳон бўйича мард ўғлонларнинг — полвонларнинг силсиласини тарбиялаб етиштирди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси ҳамдир.

Бу галги турнирда ҳам ўзбек Алпомишлари — Фарҳод, Олим, Суҳроб, Шокир, Ғулом ва ниҳоят жаҳон ва Осиё чемпиони Абдулла полвонлар ўзларини кўрсатишди. Бразилияликлар турнирнинг мутлоқ ғолиблигига даъвогарлик қилишаётгани диққатга сазовор. Абдулла Уолтер Дос Сантосни, Александер Гуедес Шуҳрат Муродовни енгиб, финалга чиқишди. Гуедес чайир, чаққон. Бир дақиқанинг ўзида ўнта усулни қўллашга қодир. Лекин Абдулла — Абдулла-да. У шошилмайди, манаман деган рақибига тикка боради. Очко учун эмас, ҳалол ғалаба учун курашади. Навбатдаги олишув ҳам шундай кечди. Абдулла Тангриев турнирнинг тўртинчи бор мутлақ ғолиби бўлди ва Ўзбекистон Президентининг совринини (10 минг АҚШ доллари) қўлга киритди.

— Термизда Алпомишнинг камарини ҳимоя қилганимиздан сўнг бир неча вақт ўтиб Руслан Чагаевнинг жаҳон бокс уюшмасининг олтин камарини ютиб чиққани бир қувончимга минг қувонч қўшди, — дейди Абдулла Тангриев. — Дунёга довруқ солиб турганимиз бу муҳтарам Президентимизнинг, шонли Ватанимизнинг ҳимматидан. Ватан шаъни-шавкати учун биз ёшлар бундан буён ҳам ғайрат-шижоатимизни, билим-маҳоратимизни аямаймиз.

Ўзбекистонлик Ўғилой Нуралиева, туркиялик Самад Айнур, Гулшан Хўжатурк қизлар беллашувида ўз вазнлари бўйича жаҳон чемпионлари бўлишди. Ўз вазнлари тоифаларида ғолиб келган Мустафо Далерян, Жовод Рухоний (Эрон), Олим Равшанов, Суҳроб Дўстов, Жонибек Муқимов, Шокир Мўминов, Шерали Жўраев, Фазлиддин Мелиевлар (Ўзбекистон) қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 4 декабрдаги 11-0605/9219-сонли ҳал ҳилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган, «UZMEDKOTTON» Ўзбек-Люксембург қўшма корхонасининг тугатиш (суд) бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Увак ҚФЙ, собиқ «Ангрен» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган ушбу қўшма корхонанинг мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 5 565 631 000 сўм.

Аукцион савдоси 2007 йил 15 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Юқоридаги мулкий мажмуа 2007 йил 15 май куни ўтказиладиган илк аукцион савдосида сотилмаган тақдирда 2007 йил 22 май куни ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.
Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004.

542R/249

НОЁБ ТУРЛАР МУҲОФАЗАДА

Анжуман

Пойтахтимизда ЕАРАЗА – Европа-Осиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари ҳудудий уюшмасининг навбатдаги йиллик анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида ўтказилган тадбирда Россия, Чехия, Украина, Беларусь, Қозоғистон каби ўндан ортиқ мамлакатнинг эколог, зоолог, биолог олимлари иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда табиатни асраб-авайлаш, минтақадаги экологик барқарорлик ва мувозанатни сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ноёб турларни муҳофазалаш, йўқолиб кетиш хавфи бўлган жонзотларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, табиатдаги биохилма-хилликни таъминлашда Тошкент ҳайвонот боғининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Истиқлол йилларида ушбу боғ биология, зоология, ботаника ҳамда генетика соҳасида муҳим маълумот ва янгиликларни ўзида жамлаган, йирик илмий тадқиқотлар олиб борилувчи етакчи илмий-маърифий масканга айланди. Боғ ҳудуди сезиларли даражада кенгайиб, ободонлаштирилди. Унда сақланаётган нодир жонзотлар ва ўсимликлар турлари сони бир неча баробар ортди.

Боғ ноёб йиртқич қушларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган. Бутун дунё миқёсида қушларнинг айнан шу турлари тобора камайиб бораётгани жаҳон биологларининг мазкур соҳага қизиқишини кучайтирмоқда. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим шароити эса Тошкент ҳайвонот боғида қушларнинг кондор, болтаютар, қумай, қора калхат каби нодир турларини сақлаш ва кўпайтириш имконини беради.

Ушбу масканда ташкил этилган аквариум бўлимида икки юзга яқин турдаги денгиз ўсимлик ва жонзотлари парваришланади. Жонзотларни сақлаш учун яратилган табиий шароит уларни иқлимлаштириш, кўпайтириш, турли касалликлардан асраш имконини беради. Боғда дунёнинг саксондан зиёд музейи, зоологик боғлари, кўриқхоналари билан илмий ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Йирик анжуманнинг пойтахтимизда ўтказилиши ҳам Тошкент ҳайвонот боғининг фаолиятига халқаро миқёсда берилган юксак баҳодир.

— Тошкент ҳайвонот боғида турли жонзотларни сақлаш ва кўпайтириш учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлдик, — деди Чехиянинг Прага ҳайвонот боғи директори ўринбосари Иван Рехак. — Катта маблағ талаб этиладиган ушбу йўналишга мамлакатингиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистонда илм-фан соҳасида эришилаётган улкан муваффақиятлардандир.

Анжуманда ҳайвонот боғларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, ноёб жонзотларни айирбошлаш, уларни парваришлашдаги асосий талаб ва ёндашувларга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — деди ЕАРАЗА уюшмаси ижрочи директори, Москва ҳайвонот боғининг етакчи мутахассиси Татьяна Андреева. — Икки кун мобайнида биз Тошкентнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини, Мустақиллик майдонини бориб кўрдик, Самарқанд шаҳрида бўлдик. Шаҳарларингизнинг ободлиги, файзи ва саришталиги таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, илм-фани ҳақида кўп ўқиган эдим. Лекин буларнинг барчасини ўз кўзим билан кўриб, гувоҳ бўлганимдан сўнг тасаввурим бойиб, юртингизга бўлган меҳрим янада ортди.

Анжуман иштирокчилари 18 апрелгача давом этадиган тадбирлар доирасида Тошкент, Хива ҳамда Бухородаги турли илмий-маърифий муассасалар, музейлар фаолияти билан ҳам танишади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Дилшод ЮСУПОВ
олган суратлар.

АБИТУРИЕНТ — 2007

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚИШГА КИРУВЧИ ЁШЛАРНИ

ГУБКИН НОМИДАГИ НЕФТЬ ВА ГАЗ РОССИЯ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

математика, физика, рус тилидан кириш имтиҳонларига мақсадли (йўналтирилган) тайёрлайди.

Республика олий ўқув юртларига кирувчиларни тестга математика, физика, инглиз тили ҳамда ўзбек ва рус тилларидан тайёрлайди.



Ўқиш муддати — 2, 1 ой. Ўқиш — 1 май ва 1 июндан бошланади.
Дарслар Губкин филиали учун рус тилида, республика олий ўқув юртлари учун ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Университет» кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, «Олий математика» кафедраси (7-қават, 708-хона). Телефон: 396-82-40 (ички телефонлар: 270, 263).

Об-ҳаво қандай бўлади?

Иқлим

Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради ва вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шамол шарқдан секундига 17-22 метр тезликда эсади. Момақалдироқ бўлиши мумкин.

18-20 апрель кунлари республикамизнинг барча ҳудудларида ҳаво очиқ бўлади. Фақатгина 20 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 12-17, кундуз кунлари 20-25 даража илиқ бўлади. 18-20 апрелда ҳароратнинг 25-30 даражагача кўтарилиши кутилмоқда.

Апрель ойининг 17-18 кунлари мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. 19-21 апрелда ҳаво яна очилиб кетади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 5-10, кундуз кунлари 10-15 даража илиқ бўлади. 19-21 апрелда эса ҳарорат 17-22 даражагача кўтарилади.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

2938/152

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ • ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

409R/243

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор
Лола Агзамовна ХЎЖАЕВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ҳуррам Ҳайдаровга укаси
Чори ҲАЙДАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» УК жамоаси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Холиқ Элмурадовга волидаи муҳтарамаси
МУАТТАР момонинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Улуғбек Аюбовга ўғли
Лазизбек АЮБОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.40 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5